

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ  
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ



**“ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИНИ  
ОШИРИШ, ТУПРОҚ  
МУҲОФАЗАСИ, ЕРДАН  
САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ВА  
МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИ  
ЯХШИЛАШ”**

**ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН**

**МАТЕРИАЛЛАРИ**

2015 йил 26 декабрь



## 5-Шуъба: Кишлоқ хўжалик маҳсулотларига ишлов бериш, сақлаш ҳамда қайта ишлаш

### КИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ҲАМДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ СОҲАЛАРИНИ БОШҚАРИШ.

ЖАЛОЛОВ Э.Б., ЮЛДОШОВ Л.Т., ГЕШАЕВА Д.

*Бухоро давлат университети*

Кишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг асосий негизи бўлган давлат ва жамоа хўжаликларининг хўжалик-молнавий фаолияти собиқ Иттифок даврида юқоридан пастига қараб бошқарилар, яъни у маъмурий-буйруқбозлик усулига асосланган эди. Асосий ишлаб чиқарувчи куч деҳқоннинг зарур қуроллари: ер, сув, иморат, иншоот ва техника умумий мулк бўлганлиги боис, тайёр маҳсулотларни мустақил тасарруф қилиш чекланган, ун эркин тақсимлаш ҳуқуқи йўқ эди. Кишлоқ хўжалигида колхоз-кооператив мулкни бошқаруви ва совхоз давлат мулкни бошқаруви мавжуд эди.

Бошқарув сиёсатининг бузилганлиги, асосан буйруқбозлик принципига амал қилинганлиги, яқшақонлик асосий мезонга айланганлиги сабабли бошқарув издан чиқди, натижада совхознинг ташиқлий тузилиши замон талабига жавоб беролмади.

Маъмурий-буйруқбозлик усули бозор шароитига мос келмай қолганлиги натижасида қишлоқ хўжалиги бошқарувида, мулкка эгаллик қилишда, маҳсулотларни тасарруф этишда иқтисодий ислохотни амалга ошириш заруриятга айланди. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотни янада чуқурлаштириш чоралари тўғрисида»ги 1993 йил 7 январь, «Республика қорвачилигида иқтисодий ислохотни чуқурлаштириш тадбирлари» ҳақидаги 1993 йил 15 март қарорларида бозор иқтисодиёти талаблари, ҳозирги замон қишлоқ хўжалигининг аҳоли ҳисобга олинган ҳолда келгусида бажарилиши зарур бўлган чора-тадбирлар белгилаб берилди.

Қарорга кўра, қишлоқ хўжалигида бундан кейин умумий хусусий мулкчиликка асосланган ижара хўжаликлари, жамоа хўжаликлари, компаниялар, акциядорлар, жамоа ижара хўжаликлари, фермалари, швахсий мулк эгалари, онла компаниялари каби бир қатор тузилмалар фаолият курсатадиган бўлди. Қарор давлат хўжалиги тузилишидаги бошқарувнинг ҳаётий асосга эга эмаслигини исбот қилди, мулкни давлат тасарруфидан чиқариб, бошқарувни ташкил қилиш тизимида катта ўзгаришларга олиб келди.

Натижада давлат хўжаликлари ўрнига жамоа бошқарувида асосланган турли компаниялар, жамоа ва ижара хўжаликлари ташкил топди. Эндиликда қишлоқ хўжалигининг асосини юқоридан пастига қараб тузилган буйруқбозлик бошқаруви эмас, балки ҳақиқий мулк эгалари, яратувчиларга таянган ширкат жамоалари бошқаруви ташкил этадиган бўлди.

Қишлоқ ва сув хўжалигини бошқариш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига юклатилган. Вазирлик тўғрисидаги Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 30 мартдаги 160-сонли қарори билан тасдиқланган.

Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари ҳисобланади:

– қишлоқ хўжалигида рақобатни ривожлантириш, ер, сув ва ўрмон ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг энг муҳим турларини барқарор этиштиришни, қишлоқ инфратузилмасини янада ривожлантиришни, иш билан таъминлаш ва аҳоли фаровонлигининг яхшиланишини таъминловчи деҳқончилик, сувдан фойдаланиш ҳамда агротехнологияларнинг илгор

тизимларини чуқур ўрганиш ва жорий этишга асосланган ягона сиёсатни амалга ошириш;

қишлоқ хўжалигида иктисодий ислохотларни чуқурлаштириш ишларини мувофиқлаштириш ва уларнинг амалга оширилиши, қишлоқда мулкчиликнинг ва хўжалик юритишнинг турли шаклларини, ижара ва иудрат ички хўжалик муносабатларининг ривожлантирилиши юзасидан мониторинг олиб бориш;

сув ресурслари муҳофаза қилинишини ва улардан оқилона фойдаланилишини таъминлаш;

ўрмон фондини кэнгайтирилиши ва ундан оқилона фойдаланилишини таъминлаш, ўрмон тўғрисидаги қонушларга риоя этилишини назорат қилиш;

қишлоқ хўжалиги учун мутахассислар тайёрланиши ва қайта тайёрланишини ташкил этиш ва ш.к.

Вазирлик тизими Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, вилоят ҳамда туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаларидан ташкил топган. Бундан ташқари, вазирлик таркибига Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази, Ўрмон бош бошқармаси, Сув хўжалиги департаменти, Шартнома мажбуриятлари бажарилишини назорат қилиш бош давлат инспекцияси каби бошқарув тузилмалари ҳам киради.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига Ўзбекистон Республикаси Президенти тайинлайдиган, кейинчалик Олий Мажлис тасдиқлайдиган вазир бошчилик қилади. Вазирнинг Ўзбекистон ҳукумати лавозимга тайинлайдиган ва лавозимдан озод этадиган уч нафар ўринбосари, шу жумладан икки нафар биринчи ўринбосари бўлади. Вазирнинг сув масалалари билан шугулланувчи биринчи ўринбосари айни вақтда Сув хўжалиги департаментининг бошлиги, республика Сув хўжалиги кэнгаши (Ирригация ва дренаж бўйича миллий кумита)нинг раиси ва Давлатлараро сув хўжалиги комиссиясининг аъзоси ҳисобланади. Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш марказининг бош директори ва Ўрмон хўжалиги бош бошқармасининг бошлиги, лавозимига кўра, вазир ўринбосарлари ҳисобланади.

Қишлоқда хўжалик юритиш механизмининг мутлақо янги асослари, қишлоқ хўжалигини молиявий таъминлаш ва сугурталаш, ишлаб чиқарилган маҳсулот ва берилган қишлоқ хўжалик техникаси, ёқилги, минерал ўғитлар учун ўзаро ҳисобларнинг янги тизими ишлаб чиқилди ва жорий қилинди. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг иктисодий мустақиллиги кэнгайди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олишда шартномавий нархлар тизими кэн қўлланила бошлади.

Қишлоқ хўжалигида ташкилий-таркибий ўзгаришлар амалга оширилмоқда, бу соҳани бошқариш принциплари ва тизими ўзгармоқда. Қишлоқ ва сув хўжалигини бошқаришнинг таркибини такомиллаштириш, уларнинг ўзаро ҳамжиҳатликда ишлашини таъминлаш мақсадида ягона Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ташкил этилди. Қишлоқ корхоналарига агросервис хизмати кўрсатиш ва уларни моддий-техник таъминлаш тизими такомиллашмоқда. Шу мақсадда, машина-трактор парклари тармоғи вужудга келтирилди.

Қишлоқда бозор инфратузилмасининг дастлабки қурилишлари намоён бўла бошлади. Иктисослаштирилган тижорат банклари – «Пахтабанк», «Ғаллабанк», «Меvasабзавотбанк», «Тадбиркорбанк», «Туронбанк», «Заминбанк» банклари тузилди. Улар фермер хўжаликлари ва кичик корхоналарга хизмат қилмоқда. Қишлоқ корхоналарини табиий офатлардан ва уларнинг ўз шериклари билан муносабатларини сугурта қилувчи «Ўзагросугурта» компанияси тузилди.

Қишлоқ хўжалигининг ўзида сезиларли даражада таркибий ўзгаришлар амалга оширилди. Умумиттифок меҳнат тақсимооти деб аталган ва эски тоталитар тузумдан мерос қолган пахта якжаҳокчилигига барҳам берилди.

Ғалла мустақиллигига эришишнинг асослари яратилди. Қисқача айтганда, мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалигини ислох қилиш ва ривожлантириш борасида

қўрилган чора-тадбирлар бу муҳим тармоқда сезиларли натижаларга эришиш имконини берди.

Ўзбекистон Республикасининг «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги 1998 йил 30 апрель қонунига асосан, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш учун пай усулига асосланган оила (жамоа) пудрати, фуқароларнинг ихтиёрий равишда бириктиришга асосланган, юридик шахс ҳуқуқларига эга мустақил хўжалик юритувчи субъектдир!

Қишлоқ хўжалиги кооперативларининг (ширкат хўжаликларининг) фаолияти қуйидаги принципларга асосланади:

– ер участкаларидан қатъи назар, белгиланган мақсадда фойдаланиш, ерларнинг муҳофаза қилинишини ва тупроқ унумдорлигининг оширилишини таъминлаш;

– кооператив (ширкатга) аъзоликнинг ихтиёрийлиги ва ундан тўсқинликсиз чиқиш;

– кооператив (ширкат) фаолиятида аъзоларнинг ўз меҳнати билан иштирок этишининг шарт эканлиги;

– ички хўжалик ишлаб чиқариши ва меҳнатни асосан оила (жамоа) пудрати асосида ташкил этиш;

– яқиний даромадини кооператив (ширкат аъзолари) ўртасида уларнинг мулкый пайларига мувофиқ тақсимлаш;

– бошқарувнинг демократик хусусияти, қарорлар қабул қилишда «кооперативнинг (ширкатнинг) бир аъзоси – бир овоз» қондаси бўйича тэнг ҳуқуқларга эга бўлиши;

– кооперативнинг (ширкатнинг) ишини аъзоларнинг кооператив (ширкат) уставида назарда тутилган тартибда назорат қилиши.

Дехқончилик маҳсулотини етиштириш қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) фаолиятининг асосий туридир.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги), дехқончилик маҳсулоти етиштириш билан бир қаторда, қонуларда тақиқланмаган бошқа фаолият турлари: қишлоқ хўжалик хомашёсини қайта ишлаш, озиқ-овқат маҳсулотлари, халқ истеъмолчи моллари, ишлаб чиқариш ва техника аҳамиятига эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш, савдо-сотик, таъмирлаш ва қурилиш ишлари, юридик ва жисмоний шахсларга қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ҳудудида ҳам, ундан ташқарида ҳам хизматлар кўрсатиш билан шугулланишга ҳақли.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)ни унинг муассислари ихтиёрий асосида ташкил этадилар. Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) аъзоларининг сони кооператив фаолияти соҳасига, унинг уставида кўра белгиланади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган қундан бошлаб ташкил этилган деб ҳисобланади ва юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлади.

Кооператив (ширкат) мустақил балансга, банк муассасасида ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисоб варақларига, номи ёзилган муҳрга эга бўлади.

## **\* ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШ СОҲАЛАРИНИ ТЕХНОЛИГИК МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ Йўналишлари. НАВРЎЗ-ЗОДА Б.Н., АБДУЛЛАЕВ А.Ж.**

*Бухоро давлат унiversitetи*

Мамлакатимизда амалга оширилиётган иқтисодий ислохатлар барча тармоқ қатори қишлоқ хўжалигида ҳам изчиллик билан давом этмоқда, қишлоқ ҳудудларида муносиб турмуш шароитларини, аҳоли даромадларини яратиб беришга, қишлоқ хўжалигида фаолият юритаётганларнинг даромадини оширишга хизмат қилмоқда. Бунинг замирида эса янги иш ўринлари ташкил этилиб, ҳудуднинг ижтимоий-

Atrof-muhitning radioaktiv va kimyoviy chiqindilar bilan ifloslanishi na faqat hayvonot dunyosini balki insoniyatni ham larzaga keltiradigan qator kasalliklarni: teri, onkologik, asab kasalliklari, bosh og'rig'i, nafas a'zolari xastaliklarining avj olishiga sabab bo'lmoqda. Keyingi yillarda maktab o'quvchilari orasida immunitetning pastligi natijasida qon bosimining tez - tez oshishi ham kuzatilmoqda. Organizmdagi himoya kuchlarining bunday pasayishi ko'plab yangi kasalliklarni, aynisa kasb kasalliklarining paydo bo'lishiga olib kelyapti. O'zbekiston Respublikasi Davlat sanitariya epidimologiya nazorati bergan ma'lumotga ko'ra hozirda Respublikamiz sanoati va qishloq xo'jaligi tarmoqlarida 3 milliondan ortiq kishi band bo'lib, shuning qariyb 1 millionga yaqini zararli sharoitlarda (chang, shovqin, titrash, ultra- va infratovushlar ta'sirida) mehnat qilmoqda. Zararli mehnat sharoitlari hisobiga kasb-patologiya kasalliklar ko'payishi kuzatilmoqda. Jumladan Respublikada so'nggi besh yil davomida bu kasallik (har 10000 ishchiga nisbatan) 1,2 dan to 1,76 gacha ko'paygan, Navoiy tog'-metallurgiya kombinatida bu ko'rsatkich 1,62dan to 3,2gacha oshgan.

Sayyoramiz kelajagi, insoniyatning taqdiri hozirgi davrda ko'p jihatdan ekologik muammolar yechimiga bog'liq bo'lib qoldi. Ekologik muammo keyingi o'n yilliklar davomida yana keskinlashib ketdi. Havoning ifloslanishi, ichimlik suvning o'ta taqchilligi, ona zaminning zaharlanishi, ekish va hosil olish mumkin bo'lgan unumdor yerlarning, yer osti va yer usti boyliklarining, o'simliklarning va hayvonlar nodir turlarining kamayib borayotganligi hamda atmosfera haroratining sezilarli darajada oshib borayotganligidan insoniyat benuhayotda azob chekmoqda. Osiyoda, O'zbekistonda ham ekologik muammolar dolzarb bo'lib qoldi. O'zbekistonda eng xavfli ekologik muammolar toza havo, ichimlik suv, tuproq tar-kibining buzilishi va eng muhimi Orol dengizi muammolari hisoblanadi.

Orol dengizi yaqin vaqtlargacha eng yirik dengizlardan biri hisoblangan. U muhim baliqchilik, ovchilik va transport ahamiatga ega edi. Sug'oriladigan dehqonchilikning rivojlanishi natijasida Amudaryo va Sirdaryoning suv quyishi 1970 yilga kelib 37,8 km<sup>3</sup>, 1980 yilda esa 11,1 km<sup>3</sup> gacha kamayib ketdi. Suvning sho'rlanish darajasi litriga 9-10 g dan 34-37 g/litr gacha ortdi. Hozirgi kunda dengiz satxining yillik o'rtacha pasayishi 80-110 sm (oldin 53 sm bo'lgan 33 metr ga tushsa orol 2 ga bo'linib qoladi, hech bo'lmaganda 33,5 metr balandlikda saqlab qolish kerak)ni tashkil etadi, bu qurigan Orol tubining yirik chang to'zon makoniga aylanganligidan dalolat beradi.

Dengiz tubini ochilishi (4mln gektar maydon) tuz zarrachalari bilan qoplanib, yangi shakldagi qum qoplamlari hosil qiladi. Dengiz tubidan ko'tarilgan chang tuz to'zoni atmosferani ifloslanishini 5 foizdan ortti-rib bormoqda. Chang tuz to'zonlarini atmosferaga ko'tarilishini birinchi marta 1975 yili kosmosdan kuzatilgan. Bunday chang-tuz to'zonlarining uzunligi 400 km eni esa 40 km ni tashkil etadi. Tuzlarning yer yuziga yog'ilishi paxtaning hosildorligini 5-15 foiz, sholining esa 3-6 foizga pasayishiga sabab bo'lgan. Tuz zarrachalari bilan sho'rlangan tuproq hisobiga qishloq xo'jalik mahsulotlari hosili O'zbekistonda 30 %, Turkmanistonda 40 %, Qozog'istonda 30-33 %, Tojikistonda 19 % va Qirg'izistonda 20 foizga pasayganligi kuzatilgan.

Aholi ichadigan suv pestitsidlar bilan ifloslanganligi natijasida keyingi 10 yil ichida o'lim 2 marta ortgan. Bolalar o'limi har tug'ila-yotgan 1000 ta chaqaloqdan 45-90 taga to'g'ri keladi. Ayollarning 80% ida kamqonlik xastaligi uchraydi. Bolalarning 90% ida siydigida tuzlar miqdori ortib ketgan.

Yuqoridagi ma'lumotlardan ko'rinib turibdiki, tabiatni asrash va avaylash jamiyatdagi har bir insonning burchi hisoblanadi. Demak barchamiz birgalikda ekologik muammolarni oldini olishimiz va bartaraf etishimiz lozim. Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, Vatan va tabiatni sevish vatanparvarlikdan boshlanadi. Talaba va o'quvchilarni vatanparvarlik ruhida tarbiyalash orqali tabiatga muhabbat tuyg'usi uyg'otiladi. Tabiatga muhabbat esa inson tabiat

25.	ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА ГУМИФИКАЦИЯ ЖАРАЁНИНИНГ РОЛИ ГАФАРОВА С.М., ШАМСИЕВ Н.	203
26.	ТУПРОҚДАГИ АЗОТНИНГ УСИМЛИКЛАР УЧУН АҲАМИЯТИ МУСТАФАЕВА М.И., ГАФАРОВА С.М.	205
27.	БУХОРО ВИЛОЯТИ СУҒОРИЛАДИГАН ТУПРОҚЛАРИНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИ ВА УНИ ЯХШИЛАШ ЙЎЛЛАРИ ЯВМУТОВ Д.Ш.	207
28.	VOBKENT TUMANI QADIMDAN SUG'ORILADIGAN TUPROQLARINING SHO'RLANISH HOLATLARI VA UNGA QARSHI KURASH CHORA TADBIRLARI IKROMOVA Z.I., SALIMOVA N.H.	209
29.	РОМИТАН ТУМАН «БАҲОДИР КАМОЛ» ФЕРМЕР ХУЖАЛИГИ СУҒОРИЛАДИГАН УТЛОҚИ-АЛЛЮВИАЛ ТУПРОҚЛАРИ БОНИТРОВКА БАЛЛАРИНИ ЯХШИЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ РАЖАБОВА О.О., САЛИМОВА Ҳ.Ҳ.	211
30.	БУХОРО ВИЛОЯТИ ТУПРОҚ ИҚЛИМ ШАРОИТИДА КУЗГИ -ҚИШГИ АГРОМЕЛИОРАТИВ ТАДБИРЛАРИНИНГ ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИ, ЎСИМЛИКЛАРИНИНГ ЎСИШ ВА РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИРИ. ИЛЁСОВ А.А.	213
31.	ҚУЙИ АМУДАРЕ СУҒОРИЛАДИГАН ДАЛАЛАРИНИ СУҒОРИШ ОЛДИДАН ТУПРОҚНИНГ НАМЛИГИНИНГ ЎЗГАРИШ ДИНАМИКАСИ. МАМБЕТНАЗАРОВ А.Б., ХОЖАСОВ М.А., ҚОРАХОНОВ А.Х., РАХИМОВА Г.Х., ХОЖИЕВ С.	214
32.	ҚУЙИ АМУДАРЕ СУҒОРИЛАДИГАН АЛЛЮВИАЛ ТУПРОҚЛАРИНИНГ ГИДРОМОДУЛЬ РАЙОНЛАШТИРИШ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ ЎРГАНИШ. ХОЖАСОВ М.А., МАМБЕТНАЗАРОВ А.Б., ҚОРАХОНОВ А.Х., НАМОЗОВ Х.К., ХОЖИЕВ С.	217

**5-Шўъба. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларига ишлов бериш,  
саклаш ҳамда қайта ишлаш**

1.	ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХУЖАЛИГИ ҲАМДА ҚИШЛОҚ ХУЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ СОҲАЛАРИНИ БОШҚАРИШ. ЖАЛОЛОВ Э.Б., ЮЛДОШОВ Л.Т., ТЕШАЕВА Д.	220
2.	ҚИШЛОҚ ХУЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШ СОҲАЛАРИНИ ТЕХНОЛИГИК МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ЙЎНАЛИШЛАРИ. НАВРЎЗ-ЗОДА Б.Н., АБДУЛЛАЕВ А.Ж.	222
3.	ҒЎЗАНИ ЎҒИТЛАШ ВА СУҒОРИШ ТАДБИРЛАРИ АБДУЛЛАЕВ Ғ.	225
4.	МАҲАЛЛИЙ ХОМ-АШЁЛАРДАН АЛКОГОЛСИЗ ИЧИМЛИКЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА УНИНГ БИОКИМЁВИЙ ТАҲЛИЛИ ЗАРИПОВ Г.Т., БЕШИМОВ Ю.С.	226
5.	ТЕХНОЛОГИЯ ПЕРЕРАБОТКИ ВТОРИЧНЫХ ПИВОВАРЕННОГО ПРОИЗВОДСТВА РЕСУРСОВ ЗАРИПОВ Г.Т., БЕШИМОВ Ю.С., ЗАРИПОВА М.Д.	228
6.	ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ПОДГОТОВКЕ СПЕЦИАЛИСТОВ ПО ПОЧВОВЕДЕНИЮ. АТАЕВА Г.И.	230

7.	ИОНООЗОНАЯ ПЕРЕРАБОТКА СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫХ ПРОДУКТОВ ЗАРИПОВ Г.Т., БЕШИМОВ Ю.С., НОРМУРОДОВ Б. Р.	232
8.	ЛЮПИНЫ-КАК ЗЕЛЁНЫЙ СИДЕРАТ И ДЕКОРАТИВНОЕ РАСТЕНИЕ. ИЛЁСОВ А.А., НАФЕТДИНОВ Ш.Ш.	233
9.	ВЫВЕДЕНИЕ НОВЫХ, ПЕРСПЕКТИВНЫХ СОРТОВ ХЛОПЧАТНИКА В УСЛОВИЯХ НЕДОСТАТОЧНОГО РЕЖИМА ОРОШЕНИЯ УСМОНОВ Т.Т., САТТОРОВА М.М.	236
10.	ВОЗДЕЛЫВАНИЕ СОРТОВ И ГИБРИДОВ ВЫНОСЛИВЫХ К ПОЧВЕННОЙ ЗАСУХЕ В БУХАРСКОГО ОАЗИСА УСМОНОВ Т.Т., ЮНУСОВ Р., МАХМУДОВ М.М., САТТОРОВА М.М., БОЙМУРОДОВА Д.	239
11.	КУЗИГ БУГДОЙНИНГ МИНЕРАЛ ОЗИКЛАНИШ ТАЛАБИ ВА ДОН ҲОСИЛДОРЛИГИ САТТОРОВ Ж.С., АТОВЕВ Б. Қ.	244
12.	САБЗАВОТ ҲОСИЛИНИ САҚЛАШ ВА ҚАЙТА ИШЛАШ ҚОДИРОВА З.Қ.	248
13.	ҚИШЛОҚ ХҲЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ВА МЕВАЛАРНИ САҚЛАШ УСУЛЛАРИ МУРОТОВА Г.С.	250
14.	ШҲРЛАНГАН ТУПРОҚЛАРНИНГ САБЗАВОТ ЭКИНЛАРИ ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ САЛИМОВА Х.	253
15.	ЭКОЛОГИК ТОЗА ҚИШЛОҚ ХҲЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШДА ТУПРОҚ ТИЗИМИНИ ЯХШИЛАШ ХУДОЯРОВА Э.А., АБДУРАХМОНОВ С.Ф., ХУДОЙНАЗАРОВА Г.А.	254
16.	ҚИШЛОҚ ХҲЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШ – МИНТАҚА ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ МАНБАИ СИФАТИДА ЯВМУТОВ Д.Ш.	255
17.	MEVA DARAXTLARIGA SHAKL BERISH VA BUTASHNING ILMIY ASOSLARI. KARIMOV B.	257
18.	ЭКОЛОГИЯНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШДА НАСОС ҚУРИЛМАЛАРИНИ ОҚИЗИҚЛАРДАН ҲИМОЯЛАШ ЭРГАШЕВ Р.Р., ШОВАЗОВ Қ.О., ҚУЧҚОРОВ Ж.Ж., МУРОДОВ О.У.	258
19.	МАНСУЛОТЛАРНИ ЕТИШТИРИШ ВА САҚЛАШ ХОНАЛАРИДА КОНВЕКТИВ ИССИҚЛИК АЛМАШИНИШ ЖАРAYONINI МАТЕМАТИК МОДЕЛЛАСHTIRISH JUMAYEV J., FAYZIYEVA D. H. ESHONQULOV H.I.	261
20.	GEOAXBOROT NAVIGATSIYA TIZIMLARIDA MA'LUMOTLAR MANBALARI VA ULARNING TURLARI HAZRATOV F.H., SHIRINOV Z. Z.	263
21.	ISSIQLIK TARQALISH JARAYONINI BIR O'LCHOVLI HOLDA O'RGANISHNING QULAY INTERFEYSI DASTURI JUMAYEV J., HAYOTOV X.U.	264
22.	TA'LIM JARAYONIDA ZAMONAVIY AXBOROT TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISH MUXLISOV S.S., ZARIPOV N.N., HASANOVA N.	266
23.	ОСНОВНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ОРГАНИЗАЦИИ ИСТАНЦИОННОЙ ФОРМЫ ОБУЧЕНИЯ.	269